



“ТАРБИЯ” ФАНИНИ ЎҚИТИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Глеумуратова Н.М.

*Қорақалпоғистон Республикаси педагогик маҳорат маркази
катта ўқитувчиси*

Таянч сўзлар: “Тарбия” фани, ўқитишга қўйиладиган талаблар, Учинчи Ренессанс пойдевори, давлат сиёсатининг асосий тамойиллари, жамиятнинг педагогик маданияти.

Ключевые слова: предмет «Воспитание», педагогические требования, основы Третьего Возрождения, основные принципы государственной политики, педагогическая культура общества.

Key words: subject "Education", pedagogical requirements, foundations of the Third Renaissance, basic principles of state policy, pedagogical culture of society.

Мамлакатимизда олиб борилаётган таълим ислохотлари, илм-фан, технология соҳаларида эришилаётган ютуқлар узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида ўқитилаётган фанларни оптималлаштириш ва янги фанларни ўқитишни тақозо этмоқда. Бу каби ўқув фанларининг ўқитилишидаги талаблардан энг муҳими – уларнинг мазмунида мавжуд илмий билимлар ўз ифодасини топибгина қолмай, шу билан бирга мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни мазмун-моҳиятини хусусан таълим соҳасида олиб борилаётган давлат сиёсатининг асосий тамойилларини ҳам очиқ бериш ҳисобланади.

Президентимиз мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида Ўзбекистонда янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилаётганини алоҳида таъкидлаб ўтди. “Халқимизнинг улўғвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда, десак, айти ҳақиқат бўлади. Ҳар қандай мустақил давлат мустақкам маънавий пойдеворга эга бўлгандагина юксак тараққиётга эриша олади. Фарзандларимизнинг истеъдод ва қобилияти, эзгу интилишларини тўлиқ рўёбга чиқариш, ижтимоий фаоллигини ошириш, ҳаётда муносиб



ўрин эгаллашлари учун барча имкониятларни яратиб бериш бундан буён ҳам бош мақсадимиз бўлиб қолади... Шу мақсадда биз “Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси” доирасида умумтаълим мактабларида биринчи марта “Тарбия” фанини жорий этмоқдамиз” - деб таъкидлаб ўтган эди. [1;3]

Дарҳақиқат, узоқ йиллар давомида тарбия таълимдан бўш вақтида амалга ошириладиган қўшимча юкламага – иккинчи даражали ишга айланиб, узуксизлик жараён бўлиб келганлиги ҳамда жамиятнинг педагогик маданияти пасайиб, мактабгача таълим, мактаб педагоглари, ота-оналарнинг тарбияга оид педагогик-психологик билимлари замон талабларига жавоб бермай қолди. Тарбияда йўл қўйилган хатолар асоратлари кундалик ҳаётда, оммавий ахборот воситаларида, ижтимоий тармоқларда кенг муҳокама қилиниб, жамоатчиликнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлди. Масаланинг яна бир томони олий таълим муассасаларида замон талабларига жавоб берадиган, юқори малакали тарбиячи педагоглари тайёрлаш ишининг сустлашиб кетгани билан боғлиқ. Чунки, ёш авлодни тарбиялашда маълум малака ва компетенцияларни эгалламай туриб, бундай масъулиятли ишга киришишнинг ўзи мақсадга мувофиқ эмас. Шундай бир вазиятда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги 2019 йил 3 майдаги ПҚ 4307-сонли қарори ижросини таъминлаш [2;5], шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги 1059-сонли қарорининг [3;7] чиқиши бу миллат келажаги, миллат маънавий тараққиёти учун бир ўзига хос тарихий воқеалик бўлди.

Узлуксиз маънавий тарбия концепциясининг асоси миллий тарбиямиз, Унсур ал Маолий Кайковус, Юсуф Хос Ҳожиб, Абу Райҳон Беруний, Имом Бухорий, Алишер Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Абу Наср Форобий, Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат каби улуғ мутафаккирларимизнинг маънавий-илмий меросига асосланган. Айни вақтда дунёнинг ривожланган давлатлари тажрибасида синовдан ўтган замонавий тарбия технологияларидан фойдаланиш Концепциянинг замон билан ҳамнафаслигини таъминлайди.

Узлуксиз маънавий тарбия Концепциясида дунё педагогик тажрибаси ва ютуқларини мужассам этганлиги алоҳида таъкидланди. Жумладан, Европа Иттифоқининг тарбиявий тавсиялари, АҚШ тажрибасидан шахс эркинлиги, тадбиркорлик, муваффақиятга эришишга интилиш, Жанубий Кореяда ёшлар онгига урф-одатлар, ахлоқий идеалларни сингдириш, Япониянинг «характерни шакллантиришга йўналтирилган таълим», Хитойнинг яхши-



лик, тўғрилиқ, поклик, донолик ва ишончлилиқ каби фазилатларни тарбиялашга қаратилган педагогик тажрибалари ўрганилган.

Концепцияда Ўзбекистонда ёшлар тарбиясини замонавий асосда илмий-технологик ислоҳ қилиш борасида олиб борилаётган ишлар ва уни бугунги кун эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда илмий асосланган таянч компетенциялар, фазилатлар асосида шакллантириш ишига катта аҳамият берилган. Бунинг учун оила, мактабгача таълим, умумий ўрта, ўрта махсус касб-хунар, олий таълим муассасалари, маҳаллаларнинг ижтимоий-педагогик ҳамкорликни янги даражага кўтарилади.

Президентимиз Ўзбекистонни ривожланган давлатлар даражасига кўтариш учун фуқароларнинг фаоллигига эришиш муҳим омил эканлигига эътиборни қаратди. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун фикрлаши, ҳаётга муносабати бутунлай ўзгача бўлган янги авлодни тарбиялаш, таълим-тарбия бериш вазифаси муҳимдир. Бу борада мамлакатимизда қисқа давр ичида амалга оширилган ишлар, хусусан, мактабгача таълим, умумий ўрта-таълим, олий таълимдаги ислохотлар янги авлодни тарбиялаш асосларини мустақамламоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 6 июлдаги 422-сонли “Умумий ўрта таълим муассасаларида “Тарбия” фанини босқичма-босқич амалиётга жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. [4;5]. Ушбу қарорнинг мақсади Умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларининг ёши ва психофизиологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда уларнинг онгига умуминсоний кадриятлар ва юксак маънавиятни янада чуқур синдириш, уларни ватанпарварлик ва инсонпарварлик руҳида тарбиялаш, умумий ўрта таълим муассасаларидаги маънавий-тарбиявий ишларни янгича асосда ташкил этиш этиб белгиланган.

Мазкур қарорга мувофиқ, Умумий ўрта таълим муассасаларида “Одобнома”, “Ватан туйғуси”, “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” ҳамда “Дунё динлари тарихи” фанларини бирлаштирган ҳолда ягона “Тарбия” фани 1-9-синфларда — 2020/2021 ўқув йилидан, 10-11-синфларда эса - 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб фанларга ажратилган умумий соатлар доирасида босқичма-босқич амалиётга жорий этилди. Қарор доирасида 2020 - 2023 йилларда республика олий таълим муассасаларининг “Бошланғич таълим”, “Тарих” (мамлакатлар ва минтақалар бўйича), “Тарих ўқитиш методикаси”, “Филология ва тилларни ўқитиш: Ўзбек тили”, “Ўзбек тили ва адабиёти”, “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими”, “Педагогика ва психология”, “Диншунослик” ва Исломушунослик (Ислому тарихи ва манбашунослиги), “Психология (Дин социопсихологияси)” таълим йўналишлари битирувчиларига умумий ўрта таълим мактабларида



“Тарбия” фанини ўқитиш ҳуқуқи берилиши юзасидан зарур чораларни кўрсин ва мазкур таълим йўналишлари ўқув режаларига 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб тегишли ўзгартиришлар киритишни режалаштирилган бўлиб, бу борада муайян ишлар амалга оширилди.

Мазкур қарор асосида умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари учун “Тарбия” фани Концепцияси ишлаб чиқилди. Чунки, бугунги глобаллашув жараёнлари, фан-техника тараққиёти, инновацион жамиятга бўлган эҳтиёж ёшларда инновацион тафаккурни шакллантириш, уларни интеллектуал салоҳиятини ошириш билан бирга миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқ қилиб тарбиялашни замонни ўзи талаб этмоқда.

Шу боис, Ўзбекистон Республикасида “Тарбия” фани Концепцияси мазкур фанни давлатнинг таълим-тарбия соҳасидаги сиёсатини амалга оширишда мавжуд бўлган долзарб муаммоларни ҳал этишга йўналтирилади. Концепция ёш авлодни тарбиялашга ишларини янги босқичга олиб чиқишга қаратилган устувор вазифалар ва йўналишларни белгилаб беради.

Шунингдек, Концепцияда белгиланган йўналишлар мамлакат ёшларини маънан ва жисмонан баркамол қилиб тарбиялаш, иқтидори ва салоҳиятини рўёбга чиқариш, уларни давлат ва жамиятнинг ривожига кенг жалб этиш, ташаббусларини етарли даражада қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳуқуқий асослар, иқтисодий имкониятлар ва ташкилий механизмларни янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Концепцияда белгиланган вазифалар узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси, миллий ва жаҳондаги илғор тажрибалар, мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан уйғун равишда амалга оширилади.

Бугунги кунда жамиятда ижтимоий бирдамлик ҳиссини мустаҳкамлаш, халқимиз турмушини ҳар томонлама юксалтиришга хизмат қиладиган эзгу ғоялар атрофида ёш авлодни бирлаштириш таълим тизими олдида турган энг долзарб масалалардан биридир. Албатта, бу ўз-ўзидан амалга ошиб қолмайди, бунинг учун аввало мавжуд ҳолатни ҳисобга олган ҳолди тизимли ёндашув зарур. Шунинг учун «Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси» доирасида умумтаълим мактабларида биринчи марта “Тарбия” фани жорий этилди. Аввало айтиш керак, бу фан бошқа фанлардан ўзининг интегратив жиҳатлари билан фарқ қилади. Узлуксиз таълим тизимида мазкур фанни ўқитиш бўйича самарали натижаларга эришиш осон эмас, албатта. Ўқитувчи-педагоглар олдида ҳали жуда катта ташкилий, педагогик, дидактик, услубий ишларни амалга ошириш вазифаси турибди. Янги авлодга таълим-тарбия беришда энг масъулиятли вазифа ўқитувчи-педагогларимиз зиммасига тушади. «Тарбия» фани қайси фанлар билан узвийлашади, қайси мавзуларга кўпроқ эътибор қаратиш керак? Бугунги замонни ривожлан-



тирадиган фанлар, қандай қадриятлар билан уйғун бўлиши лозим, деган муҳим саволларга эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ бўларди. Агар ўқитувчи-педагогларнинг янги тарбия фанини ўқитишга малака ва кўникмалари оширилмаса, уларни руҳан тайёрланмаса, фан дастури ўз самарасини бериши қийин кечади. Шу нуқтаи назардан тарбия фанини ўқитадиган мутахассис педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малака кўникмаларини ошириш биринчи даражали вазифадир.

Шу сабабли, Тарбия фанини ўқитишнинг мақсади ва вазифалари аниқ белгилаб олиниши лозим. Тарбия фанини ўқитишдан мақсад – келажак авлодни маънавий юксак физилатлар эгаси қилиб тарбиялашда инновацион тарбия технологияларини қонуниятларини, жаҳон тарбия концепциялари намуналарининг қиёсий таҳлили, таълим муассасаларида тарбия фанини ўқитишнинг шакл, метод ва воситаларини ўргатишдан иборат. Фаннинг вазифаси эса – тарбия фанини ўқитишнинг назарий-илмий, амалий ва методологик асослари ҳақида билим бериш, тарбия фанини ўқитиш ижтимоий зарурат сифатида илмий-амалий асослаш, фанини ўқитишда инновацион таълим технологияларидан фойдаланишнинг сифат самарадорлигини оширишга оид билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришдан иборат.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. 31 август, 2020 йили. <https://www.fencing.uz/uz/page/3694>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги ПҚ 4307-сонли қарори, 2019 йил 3 май. <https://lex.uz/docs/4320700>
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги 1059-сонли қарори, 2019 йил 31 декабр. <https://lex.uz/docs/4676839>
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта таълим муассасаларида “Тарбия” фанини босқичма-босқич амалиётга жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 422-сонли қарори, 2020 йил 6 июл. <https://lex.uz/docs/4885018>

РЕЗЮМЕ

Мақолада “Тарбия” фанини ўқитишга қўйиладиган талаблар ва ўзига хос хусусиятлари, “Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси” талаблари ва уни амалга оширишнинг аҳамияти тўғрисида фикр юритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются требования и особенности преподавания предмета «Воспитание», требования «Концепции непрерывного духовного образования» и важность ее реализации.

SUMMARY

The article examines the requirements and features of teaching the subject "Education", the requirements of the "Concept of Continuous Spiritual Education" and the importance of its implementation.